

10 25674  
0

10 25674  
0

Низомжон УМАРОВ  
**ВАТАН ИШҚИ**



25674  
10 0

2000A-2423

Умаров, Н.

Шеки

2000A-2423

ма-

Низомжон УМАРОВ

# ВАТАН И ШҚИ

(Шеърлар, мақолалар)



«ҲАЁТ» нашриёти  
Андижон — 2000 й.

Низомжон Умаров фидойи инсон, устоз муаллим, ажойиб  
шоир ва драматург эди.

Ижодкорнинг турли мавзу, турли жанрдаги асарларидан  
тузилган ушбу китоб азииз ўқувчиларга доимий ҳамроҳ бўлади  
деган умиддамиз.

АДАБИЙ - БАДИИЙ НАШР  
Н. УМАРОВ. ВАТАН ИШҚИ

Шеърлар, мақолалар.

Муҳаррир: З. МУҲИДДИНОВ

Мусаввир: З. РАҲМАТУЛЛАЕВ

Техник муҳаррир: Ф. ИБЛИДУЛЛАЕВ

Мусахҳиҳ: О. ШУКУРОВА  
М. КАРИМОВА

25674

10 0

А | O'zb. Res. DK  
2423

ХГ — УН — 20—22—2000 й.

© «Ҳаёт». А. 2000 й.

## ҲУР ДИЁРИМ

Ҳур диёрим мустақиллик боғидир бўстонидир,  
Созини қилган жарангдор ҳуррият достонидур  
Шуҳрату шон ҳам, шараф ҳам Ўзбекистон сен учун,  
Катта йўлга чиқди мағрур бу зафар карвонидур.  
Топди саодат халқим, бир бўлиб ҳамкор бўлиб,  
Сақламоқ тинчликни элда қудрати имконидур.  
Етти орзулар муродга, яхши кунлар биз билан,  
Юлдузли байроғимиз, бахтимиз нишонидур.  
Истаги бўлди муяссар, қўлга олди эркини,  
Парпираб нурларга тўлган ўзлигим осмонидур.  
Нурободим Ватан, Низомни ардоғи десанг,  
Истиқболинг куйласам саодат ошёнидур.



## ЎЗБЕКИСТОН

Шукур насиб бўлди элим висолинг,  
Ўзбекистон тополмадим висолинг.

Пайваста дил жоним жонингга туташ,  
Бор умидим кўрмоқ сенинг камолинг.

Халқинг забардасту ҳар ишга қодир,  
Эртанг фаровон ҳам буюк иқболинг.

Намоён қил жаҳон аро ўзлигинг,  
Мустақиллик, ҳурлик эрур жамолинг.

Низом варақлаб асрлар китобини,  
Ўзбекистон тополмадим мисолинг.



## КУРИНДИ

Ёр деганда, кўзимга меҳри қуёш кўринди  
Ҳижронга тоқатим йўқ, сабру бардош кўринди.  
Ёрим ҳаёли мендан кетмас узоққа асло,  
Хаёлимга ҳамиша билсам сирдош кўринди.

Бағримни тигламасман фиғону нола бирла  
Мурод манзили кўзга чўғу, оташ кўринди.  
Оёғига қуйиб бош арзу хол айтсам бир-бир,  
Висол соатларида кўзларда ёш кўринди.

Пинҳон эмас рўйирост ёр меҳри дилга пайванд,  
Қутлов чоғида барча дўст қариндош кўринди.  
Ишқдан сабоқ олиб ман ғазал битар эканман  
Низомга Андижондан бир қалам қош кўринди.



## СЕНСИЗ

(Яхё газалига муҳаммас)

Гулзорми, гулшан — чаман безътибор сенсиз  
Уриб кўксига нохун-тандур хумор сенсиз.  
Фигону, гиря, ажам, йиғлайди зор сенсиз,  
Кўнгил наволари соз этмайди тор сенсиз.  
Соғинганимда қўлда йиғлаб дутор сенсиз.

Ёдинг билан азизим, ниҳоллар экканимда,  
Умид уруғларини кўксимга тикканимда  
Фидо қилиб ўзимни йўлингга чиққанимда  
Боғларни кезганимда, доғини чекканимда.  
Ҳам боғу ҳам чаманлар кўзларга тор сенсиз.

Куйингда зору сарсон девонаман, кезарман  
Қайга боришни билмай ҳайронман, кезарман,  
Ёқамни чок-чок айлаб гирёнаман кезарман,  
Васлинг алангаси-ла ҳар ёна ман кезарман,  
Бошим олиб кетурга йўқ эҳтиёж сенсиз.

Висолинг нашьасига илинж боғлаб келувдим  
Таманно била қиё боқишингни билувдим  
Кетди мажол танимдан беҳол бўлиб дим-дим,  
Кўзлар юмилса ҳамки бедор эрур вужудим,  
Бир лаҳза тоқатим йўқ мен беқарор сенсиз.

Топилмайди жаҳонда сенинг тенгинг, мисолинг  
Уртар юракларимни соғинч билан висолинг  
Шунча зебо бўлурму қадди жамолинг,  
Ҳар лаҳза ёдим узра, дилбар гўзал жамолинг,  
Гар келмасанг бу кўзлар кўп интизор сенсиз.

Суратингни назардан Низом ҳеч кетказолмас,  
Ёзган билан қаламлар тарифинг етказолмас,  
Достонми ё муҳаммас, мусаддас эткизолмас,  
Яҳё ғазал адосин номинг-ла битказолмас,  
Келмас илҳом париси аслида, ёр, сенсиз.



## КЎЗГА СУРКАЙ

Кўзга суркай эй Ватан ҳар тупроғингни мен,  
Жон билан асрай мудомки гуллаган боғингни мен.

Шу Ватан қўйнида ўсдим номусу орим билан,  
Сақламоққа ичдим онт саҳрои тоғингни мен.

Гуллаган бўстонларинг бу чин ҳалол меҳнат билан,  
Покиза сақлай ҳамиша сабза япроғингни мен.

Жонажоним сен Ватан, кўп парвариш қилдинг мени,  
Боғладим маҳкам белимга шонли белбоғингни мен.

Кўрсатиб мардлик жасорат эл учун мардонавор,  
Тўлдирай гуллар билан кенг саҳрон қирғоғингни мен.

Мен сенинг қўйнингда ўсдим, улғайиб топдим камол,  
Кўзга суркай, эй Ватан, ҳар тоза тупроғингни мен.



## ТАНҲО

Дилим сурури гўзал жононаликда танҳо  
Жонона бўлиб дилбар мардоналикда танҳо

Саҳоват, бағри кенглик унинг ҳусни, чиройи,  
Бўлиб тасаддуқ элга, гирёналикда танҳо.

Ҳар режа, ҳар ишида ғамхўрлиги намоён,  
Етимларга ҳамиша парвоналикда танҳо.

Беқиёс тарифлари саодат днёрини,  
Тупроғи зар гавҳару дурдоналикда танҳо.

Кўнгилда гул руҳ ишқи, иқбол йўли минаввар  
Озода қутлуг ният, фарзандликда танҳо.

Куйдирмас ҳижрон ўти, мен бирла соҳиб жамол  
Жонон Ватан Низомга жононаликда танҳо.



## ЭЛИМГА ДЕДИМ

Не яхшилик келса қўлимдан бу элимга дедим  
Тилим рақибга бир сўз десаки тилимга дедим.

Улуғ бахтим ўзи шу бахтли замонда борлигим,  
Саодат омухтадир умр иқболимга дедим.

Жасорат кўрсату шу улуғ айёмда сен ҳам бор,  
Ишла идроким, дедим яна ақлимга дедим.

Суръатларга қўшиб суръат илғорлик шиор бўлди,  
Меҳнатим ширин завқи сиғмас бу дилимга дедим.

Мўъжиза деса арзир инсонни бу қудратига,  
Офарин реал фан, техника ҳам билимга дедим.

Инсон яратур замон диалектикаси бу, Низом,  
Не яхшилик келса қўлимдан бу элимга дедим.



## ЎЛҚАМДА БАҲОР

Ўлкамда баҳор ёзди поёндоз ўргила қолдим,  
Қутлуғ қадамни айладим эъзоз ўргила қолдим.

Ороға кирибдир зеболаниб яна боғлар,  
Куйлаб куйида гулёру шахноз ўргила қолдим.

Яхши ниятларга бўлиб пайванд, яхши умидлар,  
Эл ишқи билан мен баланд парвоз ўргила қолдим.

Куртак пих уриб боғларда барг ёзмоқда гуллар,  
Шаҳримни яна айлади танноз ўргила қолдим.

Батан она-ю тинчлик келинчак, меҳнат куёвдир,  
Собит қадамни ҳар ерда мумтоз ўргила қолдим.

Мақсад бирлиги, юрт тинчлиги-ю халқлар муроди  
Баҳор селидек қудратли овоз ўргила қолдим.

Гулшан диёрим очди чирой, Низом ёзақол тез,  
Меҳнат берадир ҳуснига пардоз ўргила қолдим.



## ЗАМИН ЗУҲРОСИМИСИЗ

Ҳуру ҳулкармисиз, субҳидам сабосимисиз,  
Ишқмисиз дилкушо, ғамзани сафосимисиз?

Оромижон, жон ором олур бир лаҳза кўрса,  
Шафқатмисиз ё, малҳами ишқ давосимисиз?

Муддао дедим сизни, роستانам ўзим билмам,  
Дилбарим дилим дилдори, дилрабосимисиз?

Истиғною ноз сизда, ҳаёю таманно ҳам,  
Вафо севгиси ё севгини вафосимисиз?

Кўзим равшанлиги, юзингиз шуъласидандир,  
Фалак зуҳроси, дейми, замин зуҳросимисиз?

Илтифот қилинг гоҳи биз каби адоларға,  
Ўзингиз ташна-ю, илтифот адосимисиз?

Латофатимсиз деди Низом Сизни кўрган чоғ,  
Гўзаллик лутфу назокатни ҳаёсимисиз?



## А И Т

Эй сабо холим бориб ул яхши жононимга айт,  
Қайда кўрсанг соғ-омон деб ёр қадрдонимга айт.  
Кўзларимдан доимо жой олганини сувратин  
Фурсатин топкину аста кўзи мастонамга айт.

Ваъдан васли билан мен ҳар қачон хурсандлигим,  
Ваъдаси қанд, аҳди шакар лаъли хандонимга айт.  
Мустақил Ўзбекистон зобитиман тез бориб,  
Олма-ю, ноку, анору, анжиристонимга айт.

Қаддига вобастаю зулфига кўнгил бандлиги,  
Сочи сунбул, юзи гул, сарви хиромонимга айт.  
Жангавор машқларини, Низомни жанон ишқида,  
Бирма-бир дўстларга еткур сўнгра жононимга айт.



## АНДИЖОНИМ

(Қўшиқ)

Тўлди жаҳонга шонинг  
Кўпайди қаҳрамонинг  
Достон тилларда номинг  
Орденли Андижоним.

Кулди яшнаб пахтазор,  
Эл меҳри дилда такрор.  
Зафарларга бошлайди  
Юртбошимиз мададкор

Дўстлар мардона, мағрур,  
«Олтин юлдуз» сочар нур.  
Қаҳрамонлар диёри,  
Номимиз элга машҳур.

Андижонлик қаҳрамон,  
Сенга олқиш, сенга шон.  
Оқ олтиндан тоғ қилдинг,  
Яша, заҳматкаш деҳқон.

Нақорат:

Тўлди жаҳонга шонинг,  
Кўпайди қаҳрамонинг.  
Достон тилларда номинг,  
Орденли Андижоним.



## ВАТАН ИШҚИ

Соз берди қўлларимга озод диёрим ишқи,  
Завқ қўшди завқларимга наврўз, баҳорим ишқи.

Бахтим бўлди муяссар, орзулар очди ғунча,  
Муродим мустақиллик сабру қарорим ишқи.

Бахтим қилиб тараннум куйлашдан тўхтамасман,  
Қилди авжимни баланд меҳри шарорим ишқи.

Кел, кўр, дилим сурурин, менга бегона фироқ,  
Жону танамда ҳар вақт чаман гулзорим ишқи.

Ўсдим шарафли элда, ҳур Ватан фарзандиман,  
Муқаддасдир ҳамиша диёру ёрим ишқи.

Армонда қолма, Низом, куйла истиқболнинг деб,  
Соз берди қўлларимга озод диёрим ишқи.



## ХАТАРСИЗ


(Давлат автомобиль назоратчисининг қўшиғи)

Ҳаракат тез йўллар равонлигидан  
Асримиз тезкор замонлигидан  
Эл бахтиёр, замон омонлигидан  
Йўлларингиз бўлсин хавфу хатарсиз,

Кенг кўчалар сардори султониман,  
Қондани дўсту қадрдониман,  
Йўловчилар дардини дармониман,  
Йўлларингиз бўлсин хавфу хатарсиз.

Шафёр дўстим рулдасиз хушёр бўлинг,  
Сезгингиз панд бермасин, бедор бўлинг.  
Ниятим шу соғ бўлинг, бор бўлинг,  
Йўлларингиз бўлсин хавфу хатарсиз.

Ватанимни иқболини куйлайман,  
Элга доим фароғатни кўзлайман.  
Низом бўлиб қондани сўзлайман,  
Йўлларингиз бўлсин хавфу хатарсиз.



## АНДИЖОНЛИК ЧЎЛПОНИМИЗ

Қатор терак йўлларида излари бор,  
Адолатли ҳайқириқли сўзлари бор,  
Келажакка дадил боққан кўзлари бор,  
Абдулҳамид андижонлик Чўлпонимиз.

Элнинг орзу ҳавасини куйлагансиз,  
Мустақиллик, хурриятни ўйлагансиз,  
Элга доим озодликдан сўйлагансиз,  
Абдулҳамид андижонлик Чўлпонимиз.

Ҳофизларни ғазалисиз, достонисиз,  
Булбулларнинг гулзорисиз, бўстонисиз,  
Муҳаббат осмонининг Чўлпонисиз,  
Абдулҳамид андижонлик Чўлпонимиз.

Ёзганлари такрор-такрор тилимизда,  
Барҳаётдир меҳри яша дилимизда,  
Биз биландир шаҳру қишлоқ элимизда,  
Абдулҳамид андижонлик Чўлпонимиз.

Бизлар учун азизлардан азизроқсиз,  
Зулмат қўйнидаги порлоқ чироқсиз,  
Низомга сиз ҳаммадан ҳам яқинроқсиз,  
Абдулҳамид андижонлик Чўлпонимиз.



## МАШРАБ АНДИЖОНИЙ

Бобораҳим Машраб ўзбек классик адабиётимиз тарихида ўзига хос оташ забон шоирдир. Унинг дилрабо, ўйноқи ғазаллари, мастона мустаҳзодлари, чуқур ўйлантирувчи ва кулдирувчи ҳазиллари халқимиз қалбида чуқур жой олган. Машраб ижодини ўрганишда ва уни тадқиқ этишда кўп вақтгача иккиланишлар бўлиб келди. Шу вақтга қадар Машрабнинг туғилган жойи ҳақида турли хил қарашлар бор. Унинг замондоши самарқандлик Муҳаммад Бадеъ Малихоннинг «Музаккирул Асхоб» номли китобига мурожаат қилайлик «Машраб таҳаллуси Раҳимбобойи қаландар аст. Асл азвилъати Андугон будадир. айёми бараҳна рўй бакаси фазилят ва фазонл ба вилояти Наманган омад».

Таржимаси: Машраб, қаландар бобонинг таҳаллусидир, асли Андугон (Андижон) вилоятидан бўлиб, ёшлик чоғида илм ва фазилятлар касб этиш учун Наманган вилоятига борган». Бу маълумотга шунинг учун ҳам ишонч ҳосил қилиш керакки, Муҳаммад бадеъ Малихо Машрабга замондошдир. Китоб эса Машраб ҳаётлигида 1688-1691 йилларда ёзилгандир. Бундан ташқари «Девони Машраб»ни қўлга олиб варақласангиз шундай сатрларга дуч келасиз:

Шоҳ Машраб тарки Андижонро ишқ аст. (Шоҳ Машраб Андижонни тарк этиши ишқ туфайлидир). Машрабнинг андижонлик эканига шу китобнинг бир неча ерларида шоир ишораларига ҳам дуч келамиз. У Андижонга бир борганда падарибузрукворини зиёрат қилганини айтса, яна бир борганда саккиз йил кўрмаган онаси ва синглисини зиёрат қилганлигин айтиди. Шундан маълум бўладики, Машрабнинг оиласи ҳеч қаёққа бормаган.

Шуни мамнуният билан айтиш мумкинки, Машраб Наманган шаҳрини гоят севган, чунки у шу шаҳарда таҳсил олган, балоғат кўзи шу ерда очилган. Наманганнинг меҳнатсевар халқи, косиблари, гулчилари, боғбонлари, миришкор деҳқонларини у гоят эъзозлаган ва ардоқлаган. Шу сабабли бўлса керак, Машраб қайта-қайта Наманганга борган, шаҳар аҳли ҳам шоирни ҳурмат юзасидан Машраб Намангоний дейишган.

Бобораҳим ўғли Машраб 1640 йилда Андижонда туғилган, отаси ёшлигида ўлиб кетиб, онаси ип йиғириб, бозорга олиб чиқиб сотиб, ғоят муҳтожликда кун кечиради. Машраб 15-16 ёшлигида Наманганга бориб, шу ернинг катта эшонларидан бўлган Мулла Бозор Охунднинг хонадонида ўн йил таълим олди.

Машраб 25-26 ёшларида Мулла Бозор Охунднинг маслаҳати билан, Қашқарга ўз замонасининг йирик эшони, нақшбандчилик сулоласининг пири устози Оппоқ Хўжам даргоҳига йўл олади ва шу улуг пирга қўл беради. Пир уни ўз муридлари қаторига қабул қилади. Машраб бу даргоҳда ихлос ва чидам билан етти йил Оппоқ Хўжамнинг хизматини қилади. Бу даргоҳда тарки дунё қилганларга, ўзига хоҳ бўлган бир тартиб: май ичмаслик, қўшиқ айтмаслик, рақсга тушмаслик, суратга қарамаслик ва сурат чизмаслик, аёллар ҳақида ўйламаслик, яхши таомларни ва яхши, янги кийимларни орзу қилмаслик каби қаттиқ тартиб бор эдики, бунга амал қилмаганлар қаттиқ жазога маҳкум этилар эди!

Бундай чеклашлар 30 ёшлардаги навқирон йигитлар учун жуда катта азоб ва жазо десак тўғридир. Пирга тортиқ этилган канизак қизлардан бири билан пинҳона муҳаббат пайдо бўлади. Бу сир пирга етиб боради. Оппоқ Хўжа амри билан гуноҳкор Машрабни эрлик қувватидан маҳрум этиб, Қашқардан бадарға қиладилар.

Аслини олганда, бу Машрабни жазолаш учун бир баҳона эди. Машрабнинг Мулла Бозор Охунд томонидан, Қашқарга юборилиши ҳам, унинг қаттиқ жазога дучор этилиши ҳам, нисҳоят 1711 йилда, Маҳмуд Катағон томонидан Мансур донрга осилиши ҳам, Машрабнинг дахрийлиги, исёнкорлиги эди.

Адолатсизлик авжига чиққан, халқнинг дарду-аламларидан юрак-бағри пора бўлган шоир замонидан ўта норозилигини дадиллик билан изҳор этди:

На ғурбатларни, чекдим чархи бебунёд дастингдан,  
Донмў мотамда ўтдим, бўлмадим дилшод дастингдан,  
Тамоми хонумоним ўлди чун барбод дастингдан,  
Ки мен ҳар қайга борсам дод этарман, дод дастингдан.

Бутун ҳаёти дарбадарликда ўтган шоир, ҳамма ерда бенаво ваа қашшоқ халқни кўрди, уларнинг дарду-

аламларини ўз дарду-алами деб қабул қилди. Машраб яшаб ва ижод этган давр Мовароуннаҳр ва Хуросонда феодал бошбошдоқлиги авж олган давр эди. Мамлакатда ҳар хил дарвешлик, қаландарлик оқимлари пайдо бўлиб, Ўрта Осиёга кенг тарқалган эди.

Бобораҳим Машраб жуда ҳам биз ўйлагандек худосиз эмас, у якка худога ишонади, бироқ шариятнинг баъзи қоидаларини очикдан-очик рад этади. Ҳеч тортинмасдан ўзининг номоз ўқимагани, рўза тутмагани ҳақида гапирди. Машрабнинг дин ва унинг қоидаларига муносабатини қуйидаги мисраларида ҳам аниқ равшан кўришимиз мумкин:

Ёрсиз ҳам бодасиз маккага бормоқ не керак?  
Қолган Иброҳимдин ул эски дўконни на қилай?  
Урайниму бошимга саккиз беҳишту дўзахни,  
Бўлмаса васли менга икки жаҳонни на қилай?

Машраб ғазаллари ўзининг жилвагар ва оҳангдорлиги, дилбару дилраболиги билан алоҳида гўзаллик касб этади. Машраб ғазаллари тезда халқ орасига тарқалиб кетишининг энг асосий сабаби ғазалларининг равшонлиги ва соддалигидадир:

Бир боқинингга жумлан жанона тасаддуқ,  
Шахло кўзингга оқилу девона тасаддуқ.  
Жонингни агар бер деса ул дилбари раъно,  
Жоним берайин йўлида мардона тасаддуқ.

Машраб арузнинг барча имкониятларидан баракали фойдаланиб Машрабона ғазалиёт гулзорини яратди.

## «ЭНДИ ХОИБ ЙУҚ, ШОИР УЛФАТ БОР»

Бу воқеа 1938 йилнинг узум пишигида бўлганди. Уша вақтларда тоғам Собир Абдуллоҳнинг Тошкентнинг Янгиариқ мавзесидаги (ҳозирги Тўхтасин Жалилов номидаги кўчада) узумзори бор эди. Кечки пайт, боғга Андижон шоирлар Абдуваҳоб Сайфий, Абдулҳамид Хуррам ҳамда шеър шинавандаси Солижон Восеъжоновлар кириб келишди. Тоғам беҳад қувониб кетди.

Қадрдонлар ҳол-аҳвол сўрашиб, бир пиёладан чой ичганларидан сўнг Абдуваҳоб Сайфий ўрнидан туриб:

— Собир ака, мен Мамазокир акамларга (Ҳабибийга) Тошкентдалигимизни билдириб келсам, эртага дам олиш кунини, яна бир-биримизни иштишиб қолмайлик,— деди.

— Абдуваҳоб ака, хотиржам бўлинг, — деди тоғам уни ўрнига қайтиб ўтиришга ундаб. — Сизларнинг келишингизни билгандек, эрталаб мен Қори акамларни эртага нонуштага таклиф қилганман. У киши келишга ваъда берганлар. Яна Ғафур акамни ҳам айтганман, «Ҳамид Олимжон билан бирга борамиз», — деб ишонтирдилар.

Абдуваҳоб Сайфий бу гапдан мамнун бўлди-ю, энди Махжурий, Анисий ва Имодиддин акаларни кўриб келиш ниятида эканлигини билдирди. Улар Чақардаги чойхоначи Шоюнус аканинг болохоналарида истиқомат қилишарди.

Тоғам уларни ҳам нонуштага таклиф этганини, Ҳабибий билан бирга келишларини маълум қилди. Шунда шоир Хуррам Сайфийга қараб:

— Мулла ака, йўлингиз яқин бўлди. Бугун Собир акам билан суҳбатлашиб тонг оттирсак, эрталаб дўстларимизнинг ўзлари келишар экан, — деди.

Ҳақиқатдан, эртаси саҳарлаб боғга Махжурий, Ҳабибий, Анисий, Имодиддин акалар келишди. Тоғам мени Устани (Тўхтасин Жалиловни) чақириб келишга юбордилар. У киши ҳам шу боғ кўчада яшардилар...

Нонушта гоҳ аския, гоҳ ҳазил, гоҳ шеър ўқиш билан давом этаётганида — соат тўққизларда Ғафур Ғулом билан Ҳамид Олимжон кириб келди. Ҳамма супадан пастга тушиб, азиз меҳмонларни кутиб олди.

Ғафур Ғулом:

— Собир! Андижонлик зарифларни тўплаб олиб-сан-ку. Бунақалиғини билганимда, мен ҳам тошкентлик зуккаларни тўплаб келардим, — дея ҳазиллашди.

Меҳмонлар супага чиқиб ўтиришгач, суҳбат яна давом этди. Гап айланиб ғазалга келганда, Ғафур Ғулом ташаббусни қўлга олди:

— Абдуваҳоб ака шоир дўстларини кўргани Андижондан қуруқ келмагандирлар. Фурқатона ғазалларини эшитмаганимизга ҳам анча бўпти.

— Ғафур ака, бу даврада ғазал ўқиб маъқул қилиш қийин, қаранг, кимлар ўтирибди! — жавоб берди Сайфий.

Ғафур Ғуломнинг қистови билан Сайфий қўлидаги пиёлани дастурхонга қўйиб, кўкрак чўнтагидан бир варақ қоғоз олиб, ўқий бошлади. Бу — «Кўзим кўзларингда» радифли, шўҳравон, назокатли ғазал эди.

— Ҳамид, — деди Ғафур Ғулом, — шунақа ғазални аввал ҳам эшитганмисиз?

Ҳамид Олимжон Сайфийнинг қўлидан қоғозни олиб:

— Бақувват ғазал. Агар Сайфий ўрнига Фурқат деб қўйилса, одамлар Фурқат ғазали деб қабул қила-верадилар, — деди. Сўнгра ғазални қайта ўқиди.

Шу орада Имодиддин ака чўнтаklarини пайпаслаб қолди. Буни сезган Ғафур акага жон кирди:

— Имодиддин, сенда ҳам янгиси борга ўхшайди. Қани, эшитайлик-чи.

Имодиддин ака ўзини тарозга солиб ўтирмади.

— Утган дам олиш кўни ҳам Собир аканинг меҳмони бўлгандим, — деди изоҳ бериб. — Шу супада тонг отгунча суҳбатлашдик. Шоюнус аканинг уйидаги ҳужрамизга боргач, «Боғ эмиш», деб бир нарса қоралагандим, шуни ўқиб бермоқчиман.

— Собирнинг боғини мақтаб-мақтаб шеър ёзиб, пақир-пақир узум олиб кетаркансан-да? — кулди Ғафур Ғулом.

Имодиддин ака «Хоиб» таҳаллуси билан ёзган ға-

залини ўқиб тугатгач, Ғафур ака индамай ўрнидан турдида, Имодиддин акага қаттиқ тикилди. Ўртага сукунат тушиб, ҳамма Ғафур акага қараб қолди. Жимликни Ғафур Ғуломнинг ўзи бузди:

— Имодиддин, ўзинг шоирсан, яна беозор, билимдонсан. Кимдан қўрқасан? Нимадан қўрқасан? Нега Хоиб, яъни қўрқоқ деб тахаллус танладинг, қара, қандай дўстларинг бор, даврадаги улфатларингни кўр, энди сенинг тахаллусинг «Улфат» бўлади. Шу фурсатдан бошлаб «Хоиб» йўқ, шоир Улфат бор.

Дастурхон атрофида ўтирганлар таклифни маъқуллашди. Чапак ҳам чалишди. Имодиддин ака ўрнидан туриб Ғафур акага таъзим қилди.

Ғафур ака Ҳамид Олимжонга юзланди:

— Ҳамид! Сиз нима дейсиз?

Ҳамид Олимжон:

— Нимаям дердим, ғазал бўстонимизга яхши бир «Улфат» келиб қўшилди, дейман-да, — деди майин табассум билан...

Тўхтасин Жалилов созини созлай бошлади.



## М У Н Д А Р И Ж А:

|                                 |    |
|---------------------------------|----|
| Хур диёрим                      | 3  |
| Ўзбекистон                      | 4  |
| Кўринди                         | 5  |
| Сенсиз                          | 6  |
| Кўзга суркай                    | 8  |
| Танҳо                           | 9  |
| Элимга дедим                    | 10 |
| Ўлкамда баҳор                   | 11 |
| Замин зухросимисиз              | 12 |
| Айт                             | 13 |
| Андижоним (қўшиқ)               | 14 |
| Ватан ишқи                      | 15 |
| Хатарсиз                        | 16 |
| Андижонлик Чўлпонимиз           | 17 |
| Машраб Андижоний                | 18 |
| «Энди Хонб йўқ, шоир Улфат бор» | 21 |

Босмахонага 31 май 2000 йилда берилди. Босишга 2 июнь  
2000 йилда рухсат этилди Бичими: 60x84 1/16 Ҳажми: 0,5  
нашр табақ Буюртма № 780 Тиражи 500 нусха

Баҳоси келишилган нарҳда,  
«Андижон» нашриёти босмахонасида чоп этилди.

Манзил: Андижон шаҳри Навоий шохкўчаси, 71.





Низомжон Умаров - 1923 йилда Қўқон шаҳрида  
хизматчи оиласида таваллуд топган. Фарғона  
Давлат педагогика институтининг тарих  
факультетини тамомлаган. Қисқа муддат Тошкент  
вилоят театрида актёр, сўнг умрини охирига қадар  
Андижон шаҳридаги 32-ўрта мактабда  
муаллимлик қилган.